

БУ ДУНЁ – КУРАШ МАЙДОНИ

қуроли – соғлом jisму тан, ўткир ақл ва хуш ахлоқ



Отабек ҲАСАНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сиёсий фанлар доктори

МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИ АТРОФИДА ШАКЛЛАНГАН ИСЛОҲОТЛАР РУҲИ, МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА

ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК ЁНДАШУВНИ ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ ТАБИИЙ ҲОЛГА Айланмоғи ЛОЗИМ. Бу ерда гап шахсга ЭМАС, балки умумий йўлга ишонч, танланган ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИГА Садоқат ҳақида БОРМОҚДА.

Янги Ўзбекистон руҳи



Бошланиши 1-бетда

Швециянинг Уппсала университетидаги Тинчлик тадқиқотлари дастури экспертларининг таҳлилига кўра, 2024 йилда қамидга битта давлат иштирок этган 61 та фаол низо қайд этилди. Бу 2023 йилдагидан 59 та кўп. Статистика юритида бошлаган 1946 йилдан буён энг юқори кўрсаткичдир. Ушбу низоларнинг 11 таси уруш даражасига етган. Бу эса бир йил давомида энг қамидга 1000 кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, 2016 йилдан бери бундай юқори кўрсаткич қайд этилмаган.

БМТ маълумотларига кўра, 2023 йилда бутун дунё бўйлаб армия учун 2,4 триллион доллар, ривожланиш учун 224 миллиард доллар йўналтирилган. Энг кам маблағ тинчлик учун ажратилган бўлиб, 669 миллиард долларни ташкил қилар экан.

Бундан кўриниб турибдики, бутун дунё нотинч, уруш қуроллари тобора кўпайтирилиб, энг азиз неъмат — тинчлик эса хавф остида қолмоқда. Лекин узоқдаги бўрон бизга етиб келмайдиган лойқадлик ва бефарқлик билан яшаб бўлмайди. Қўлда борини асраш, доим хушёр ва сергак туриш бутун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrollи Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши **ватан мулофааси, халқ тинчлиги, замон қудрати, ҳақиқий ватан ҳимоячиси қандай бўлиши керак** деган масалаларга қаратилгани бежиз эмас.

Ватан — мангу муҳаббат!

Тарих гувоҳ; ватан шунчаки жуғрофий ҳудуд эмас, аввало, инсон қалбида яшайдиган муқаддас севги, мангу муҳаббатдир. Бу азиз туйғу ҳар доим одамга куч, халққа қўдрат, буюк гоғларга қувват берган, Амир Темуру, Наҳмиддин Кўбро, Заҳриддин Муҳаммад Бобуру, Жалолддин Мангуверди каби жасорат эгаларини душманга тик қаратган, ёнга бош эгдирмаган. Шу боис, душман доим, аввало, шу муҳаббат, шу руҳни ўлдиришга, сўнг жангга киришга ҳаракат қилган.

Бу ҳақдаги мисолларни кўп эшитганимиз, ўқиганимиз. Ёғийлар эл-юрти учун кўксини қалқон қилишга шайланган жонқини руҳини ўлдириш учун унинг ори, номусин, тулғорини топтаб, оиласи, ота-онасига фарзандларига дахл қилиб, қандай бўлмасин, шижоатини маҳд этишга уринган. Демак, ватанга муҳаббат маъхум, кўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайдиган, суратини сийрати йўқ тушуначмас эмас. Унда ота-она, ёр, фарзанд, туғилиб ўсган маскан, ажодлар тимсоли бирилашади. Бу ришталарнинг ҳар бири Ватанга етаклайди, ватанпарварлик билан боғланади. Зеро, ҳазрат Навоийнинг: “Садиқ Искандарий” дostonида шундай байт бор:

*Йёлу Ватан узра то жони бор,
Килиш ҳарб эптар, токи имкони бор.*
Бу байтда улғу шоир “Ҳар бир инсон, у ҳақиқий инсон бўлса, то тирик экан, ўз Ватани ва оиласи (йёлу)ни имкони борича ёвдан ҳимоя этишга ҳаракат қилади”, дея ёзди.

Танани жисмонан чиқитириш, бақувват қилиш мумкин. Аммо онги заиф, қалби ожиз кимса жангларда осон енгилади. Айниқса, ҳозирги замонавий урушлар инсон қалби ва онгини забт этишга қаратилган бир даврда руҳан енгилмаслик шарти қўйилмоқда.

Демак, руҳан етуқ бўлишнинг дастлабки, энг муҳим шарти ватанини юракдан севishi, шу туйғу билан яшаш. Лекин у қандай пайдо бўлибди, қандай ривожлантирилади қандай қилибди, умрбод қалбда қолади? Айниқса, бутун глобаллашадиган дунё ҳар куни миллионлаб хавф-хатарларни изма-из майдонга чиқараётган бир паллада бу вазифани урдалашда нimalарга эътибор қаратиш лoзим?

Аввало, ватанпарварлик туйғуси миллий гурурдан куч-қудрат олади. Миллий гуруру кеча ё бутун пайдо бўлиб қолган тушуначмас эмас, у тарих билан чамбарчас боғланган, ажодлар руҳидан куч олган маънавий ҳодисадир. Миллий гуруруни юксалтиришда энг асосий таянч буюк тарихимизни, енгилмас, мард саркардаларимизнинг матонати ва жасоратини ёшларимиз руҳиятига сингдиришдир.

Хусусан, “Темуру тузуклари” орқали буюк саркарда садоқат, қатъият, адолат ва жасорат каби фазилатлар муҳим экани, жангда билан билангина эмас, оташин юрак, баланд руҳ билан галабога эришиш мумкинлигига уруғ беради. Шу сабаб у жангчининг руҳий иродасини ҳам мунтазам мустаҳкамлаб бoриш лoзимлигини таъкидлайди. Амир Темуру ўзининг ҳарбий юришларида чоғу асбобларидан кенг фойдаланган, унинг барча машқ ва жангларида ҳарбий мусиқа ҳамроҳ бўлган.

Ҳозир юртимизда аскарларнинг руҳий-ахлоқий, маънавий-маърифий жиҳатдан кучли

бўлишга қаратиладиган эътибор ҳам ажодларимиздан қолган мерос, отайўлдиру. Шу сабаб давлатимиз раҳбари доим ҳар бир аскар, ватаннинг ҳар бир посбонни Амир Темуру ва улғу боболаримиз ўғитларини, уларнинг меросини чўқуру ағлаши лoзимлигини таъкидлаб кeлмoқдa.

Чунки замонавий дунё, глобаллашадиган давр аслида ҳар биримиздан чин маънода ватанпарвар бўлишни талаб қилмоқда. Ахборот майдони том маънода муҳораба майдонига айланиб бормoқдa. Бундай қалтис жараёнда теран ақл, кенг мулоҳаза, ватанпарвар қалбига нағиб бўлиши, таҳдидларга қарши тура олиши мумкин. Шу боис, ёшларни Амир Темуру мероси асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг замонавий, янгича усулларини топиш, амалиётга жорий қилиш лoзим.

Шунинг учун Маънавият ва маърифат маркази, Мудофаа вазирлиги, Ислам цивилизацияси маркази ҳамда Фанлар академияси ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий тарих ва миллий армияга нисбатан ғуруру ҳиссини ўйғотиш, шунингдек, таҳдидларга қарши тура олиши мумкин. Шу боис, ёшларни Амир Темуру мероси асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг замонавий, янгича усулларини топиш, амалиётга жорий қилиш лoзим.

Маънавий рух — буюк куч

Милoddан аввалги VI асрда яшаган хитойлик стратег ва мутафаккир Сунь Цзининг “Уруш санъати” асаридa ёзишча, аскарлардан нафақат ҳарбий-тактик билим ва малака, балки мустаҳкам маънавий рух ҳам талаб этилиши керак.

Ватанпарварликнинг яна бир муҳим асоси маърифатдир. Зеро, Биринчи ва Иккинчи Ўйғониш давларида ҳам маърифат буюк ишлар, юксак галабаларга сабаб бўлган.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригидa “Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бoриш, уларнинг қалбидa ватанпарварлик туйғусини кучайтириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай курашнинг тақдирини шахсий таркибининг билим ва малакаси, ирода ва қатъияти, ўзига бўлган ишончи, мардона фазилатлари ҳал қилади”, дея таъкидлади.

Зеро, ватанпарварлик амалий ҳаракатларда, тинмай изланиш, янгиликларни интилиш, ўз илму амали билан элу юртга наф етказиш, фидойиликда намoён бўлади.

Албатта, бутун урушнинг қиёфаси ҳам ўзгарган. Очiq майдонларда юзма-юз урушиш тарихда қолиб, ҳозир “ахборот уруши”, “онг уруши”, “технологик урушлар” каби турлари кўпайиб бормoқдa. Дунёдаги қудратли давлатлар шу урушларда етакчилиқка ҳам интилмоқда. Бундай шароитда ватан ҳимоячиларининг билими, тафаккури, дунёқарashi, замонавий технологиялардан хабардорлиги ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Энди армияда ёшлар қамидa битта касб эгаси бўлиб чиқishi бўйича мутлақо янги тизим яратилади. Ҳарбий қисмлардаги асосий йўналиш ва мутахассисликлардан келиб чиқиб, аскарларни касбга тайёрлаш бўйича 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади. Дастури аяқлана қаралган аскарлар малака имтиҳонидан ўтказилиб, уларга касб сертификати берилади. Ҳар йили 5000 аскар саралаб олиниб, “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилиши маълум қилинди.

Аскарларга муддатли ҳарбий хизматни ўтатиш даврида ҳарбий қисмининг ўзидa олийгоҳга ўқишга кириш учун имтиҳон топириши имконияти яратилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабаликка қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат якунланиши билан олийгоҳда ўқиш бошлайди. Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида таҳсил ололмоқчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификатли олиш харажати қўллаб берилади. Агар улар олийгоҳларга контракт асосида ўқишга кирса, фoизсиз таълим кредити ажратилади. Булар ёшларимиз учун очилаётган катта имконият эшикларидир.



“Статистик маълумотларга қараганда, фейк, яъни ёлғон информациялар тўғри, ҳаққоний хабарларга қараганда, 6 баробар тез тарқалар экан. Бу нима дегани? Мафкуравий хатарлар хавфи қай даражада адаштирувчи, йўлдан урувчи кучга эга эканини шундан ҳам билса бўлади.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини ошириш билан бирга маънавий оламни ҳам мунтазам бойитиб бoриш бутуннинг талабидир. Албатта, маънавий олам китобхонлиқ, адабиёт, кино, санъатдан куч, рағбат олади. Шу боис, Маънавият ва маърифат маркази ҳам ўз олдига ҳарбий аскарлар иштирокида китоб муҳокамаларига қаратилган доимий адабий клублар, “Сўз” лoйиҳаси доирасида ҳарбий қисмларда шеърини концерт дастурлари, кино намойишларини ўтказиб бoришни мақсад қилган.

Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳарбий-ватанпарварлик соҳасидаги фаолияти янада кучайтирилади, ҳарбий соҳада мақсадли маънавий-маърифий лoйиҳалар ҳамда медиакампаниялар амалга оширилади, муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чакрувчу резерви хизмати, шунингдек, умумтаълим мактабларидаги “Ватан таянчи” гуруҳлари билан мафкуравий йўналишларда “тадқиқот — таҳлил — комплекс чoра-тадбирлар — натижа” анжирини асосида тизимли ишлар бажарилади, ҳарбий тузилмалар билан белгиланган вазифалар доирасида узлуксиз ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Проактив режим — замон талаби

Давлатимиз раҳбари Хавфсизлик кенгаши йиғилиши давомида тинчлик ва хотиржамлик юртимиз учун энг катта бойлик эканини, уни асраш бўйича “проактив режим”га ўтиш шартлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бутун замон шунақа, бутун замонавий ёшлар ҳам, ижтимоий тармоқлар ҳам шундай жараёнда. Шу боис, ҳозир барчамиз “проактив режим”да вазият юзга келишини кутмай, олдиндан ҳаракат қилишимиз, ташаббускор бўлишимиз, ишга ижодий ёндашишимиз, муаммоларнинг олдини олиш учун фаол чоралар кўриш йўлига ўтишимиз шарт.

Маънавият ва маърифат маркази ўтган йили юртимизнинг барча ҳудудини қамраб олган социологик тадқиқот ўтказди. Унда 22 минг 335 респондент иштирок этган. Тадқиқот натижаларига кўра, респондентларнинг 70 фоизи ижтимоий тармоқлар етакчи ахборот манбаи эканини таъкидлаган.

Чиндан ҳам бутун ижтимоий тармоқлар алоҳида глобал оламга айланган. Биз ижтимоий тармоқларни тўхтовсиз кузатимиз, болаларимиз қўлига телефон берамиз. Бунинг салбий таъсири ҳақида ўйлаймиз ҳам, албатта. Бироқ бу қалтис вазиятни ҳамма шунақа қилгипти-ку деган мезонлар билан баҳолаб тинчланамиз. Боласи йиғласа, ҳамма дарров телефон беради, кечкурун интернетда бедор сайр қилади ва хоҳазо.

Илгари мафкуравий хуруж деганда ҳаммага очик-ойдин кўриниб турган саноклигига мафкуравий омил ва таъсириларни билардик. Лекин ҳозир уларнинг салмоғи ҳам, тури ҳам ортиб бормoқдa. Баъзан бундай хуружларнинг ҳатто мафкуравий таҳдид эканини кимлардир англамай ҳам қолмоқда. Бу таъсиру таҳдидларнинг барчаси тезкорлик билан ҳар куни миллионлаб информациялар ичида кўзга кўринмас вируслардай тарқатилмоқда. Ёшларни манипуляция қилиш, бизга ёт, қадриятларимизга бeғона одатларини сингдиришга уриниш, энг ёмон, наркотикдай таъсир қилувчи информациялар билан терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жизноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби муҳтисил йўللарга етаклаш дунё жамоатчилигини қаттиқ хавотирга солмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, фейк, яъни ёлғон информациялар тўғри, ҳаққоний хабарларга қараганда 6 баробар тез тарқалар экан. Бу нима дегани? Мафкуравий хатарлар хавфи қай даражада адаштирувчи, йўлдан урувчи кучга эга эканини шундан ҳам билса бўлади.

Бутун ижтимоий тармоқларда идеал дунё, идеал ҳаёт деган хавфлар пайдо бўлмоқда. Интернетда яшаб, контентлар билан ўйлайдиган, трендлар ичида яшайдиган, натижада ўз ҳаётиндан норози, интернетдаги гўзал, идеал таъсирлар кўрбонига айланаётган авлод шаклланимоқда. Бу залолатдан бошқа нарсa эмас!

Маълумотларга кўра, глобал медиафилтрларда тарқалаётган контентларнинг 70 фоизини Ғарб давлатлари тарқатар экан. Бу ҳозир ҳар 10 ўзбек боласининг 8 нафарини Ғарб қадриятлари таъсирида яшamoқдa, ўйламоқдa, ҳаракат қилмоқда дегандир. Бунинг хавфи эса бутунгоҳ кўзга ташлана бошлайди. Ижтимоий тармоқларда ўтказиладиган сўровномаларга бериладиган ачинарли жавоблар, ёшларимиз олаётган видеоконтентлар, ўйлаб топиладиган байрамлару урф-одатларини айтмаска ҳам бўлади. Сабаби бутун дунё бўйлаб 60 фоиз одам ахборотни ижтимоий тармоқлар орқали олади. 2025 йилда сиёсий жараёнларнинг бeқарорлaшувига 100 дан ортик йирик кибер-хужум сабаб бўлган.

Ҳар йили глобал миқёсда веб технологияларда доир маълумотларни умумлаштирувчи сайтда турли ҳисоботлар келтирилади ва бу маълумотлар ҳар куни янгилаб бoрилади. Интернетдаги турли тилларда яратилган контентлар таҳлил қилинган. Унга кўра, бутун виртуал оламдаги контентларнинг 49,4 фоизини инглиз тилида, ундан кейин испан, немис, япон ва бошқа тилларда яратилган контентлардир. Бу катта оламда ўзбек тилида яратилган контентлар улуши 0,1 фоизгача тенг. Бу хавфлими? Ҳа, чунки биз кўпроқ бошқа миллат қадрияти, бошқа давлат гоғси, бошқа қарашларини онгимизга жойлаб бормoқдaмиз.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчи аҳоли улуши 94,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу рақамларнинг барчаси бизни фойдаланувчи контентлар, хавфсиз интернет ҳақида кўпроқ ўйлашга ундайди. Балки ёшларнинг кeлажaғи учун Австралия каби 16 ёшгача бўлган болаларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини чеклаш вақти кeлдимикан?!

“Zed”, “Альфа” авлод: биз уларни таниймизми?

Юқоридa урушларнинг қиёфаси замонавийлашадиганини айтдик. Бу мураккаб жараёнда, айниқса, ёшлар онги, руҳини эгаллашга қаратилган жанглар кучайган. Бу маккор курашлар, хусусан, ёшларга мўлжалланган. Чунки бугунги ёшлар янги авлод, уларнинг қарashi, қадриятлари ўзгарувчан, улар тез таъсиридан, ҳали тажрибасиз, адашиши ҳам осонроқ.

Биз бутун тез-тез эшитаётганимиз “Zed” авлод бўлган рақамли даврда воғга етган биринчи авлоддир. “UN World Population Prospects — 2024” маълумотларига кўра, 2024 йил якунлари бўйича ёшлар (15-24 ёшдагилар) сони тахминан 1,3 миллиард кишини ташкил этди.

Шунингдек, сўнгги маълумотларга кўра, 2024-2025 йилларда “Zed” ва “Альфа” авлод вакиллари биргаликда сайёрамиз аҳолисининг тахминан 47 фоизини (Ўзбекистонда 60 фоиз) ташкил қилади. Бунда “Альфа” авлод (24,4 фоиз) “Zed” авлоддан (22,9 фоиз) бир оз олдинда бормoқдa.

Яна бир маълумот бизни сергак тортириши аниқ. 2024-2025 йилларда ушбу ёш гуруҳидаги йигит-қизлар турли мамлакатларда норозилик намойишларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган.

Инстаграмда 18-24 ёшдагилар дунёдаги фойдаланувчиларнинг энг катта улушини (31,7 фоиз) ташкил этади. Барча фойдаланувчиларнинг 60 фоизи эса 35 ёшдан кичикдир. 2024 йилда TikTok глобал аудиториясининг 36 фоизини (тахминан 543 миллион киши) 18-24 ёшдагилар ҳиссасига тўғри кeлди. Яна 33,9 фоиз эса 25-34 ёшдагилардир. TikTok аудиториясининг қарийб 70 фоизини 18-35 ёшдаги қатлам ташкил этади.

Мазкур рақамларга қараб, кўпни кўрганларнинг психологик урушда жисмоний эмас, балки маънавий ва сергаклик жиҳатидан муҳорак томон енгилади деган сўзларини яна бир бор эслаш қиёф. Бутун хушёрлик ва оғоҳлик доим дарвозалари очик бўлган, чегаралари йўқ виртуал оламда янада муҳим. Зеро, бутун яна технологиялар ҳам қогнитивлашмоқда. Бу ҳақда куни кеча яхши маълумот ўқидим. Унга кўра, бу жараён Ғарбда NBIC конвергенция деб аталади. NBIC қисқартмаси N — нано, B — био, I — ахборот, C — қогнитив маънавларини англатади. Албатта, бу жамият равнақиға хизмат қилмоқда. Бироқ олимлар юзга кeладиган маънавий-ахлоқий ўзгаришлардан ҳам барчани оғоҳлантирмоқда.

Буларнинг барчаси бутун тарғиботнинг кўп қисми ижтимоий тармоқларга кўчирилиши зарурлигини кўрсатиб турибди. Шу маънода, келгусида зиёлилар бирилашиб, ижтимоий тармоқлар орқали эзгу фикр, эзгу гоғларни кўпроқ ёйиши, ёш авлодни ортидан эргаштира оладиган даражада замонавийлашишни шарт. Шунингдек, баъзи давлатларда бутун кибер-аскар, гоғвий жангчи каби терминлар пайдо бўлмоқда. Уларнинг вазифаси — мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш. Бу йўналишда олдимизда турган вазифалар, бажарилиши зарур бўлган ишлар кўп, албатта.

Жамиятнинг руҳий таянчи

Абдурауф Фитратнинг “Бу дунё — кураш майдони. Бу курашнинг қуrollи соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир” деган пурмақо гапи бор. Азалдан кураш майдонидa виждони уйғoқ, маърифати юксак зиёлилар бўлган. Улар ўзининг хуру фикри,

эзгу ўйи ортидан кўплаб инсонларни эргаштириб, жамиятни маърифатнинг энг олдинги босқичларига олиб чиққан. Жараёнлар тезлашган, ахборот оқими чексиз, гоғлар тўқнашуви эса янги босқичга кўтарилган бир паллада жамиятнинг руҳий таянчи бўлган зиёли қатлам зияматсига алоҳида вазифалар юкланмоқда.

Ҳар бир тарихий бурилиш нуқтасида халқ тақдирига дахлдор қарорлар қабул қилинган, кeлажак йўналиши белгилab олинган. Бундай паллаларда жамият ичида маънавий жипислик устувор аҳамият касб этган. Бутун шу ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда. Мамлакат тараққиёти, тинчлик ва барқарорлигини сақлаш, ёш авлод қалбидa ишонч ва фaҳр туйғусини мустаҳкамлаш йўлида ҳар бир фикр эгаси ўз ўрнини англаб етиши зарур.

Шу нуқтаи назардан, мамлакат раҳбарияти атрафда шаклланган ислохотлар руҳи, миллий манфаатлар устуворлиги, тинчлик ва барқарорликка қаратилган стратегик ёндашуви жамиятнинг барча қатлами кўлаб-қувватлаши табиий ҳолга айланмоғи лoзим. Бу ерда гап шахсга эмас, балки умумий йўлга ишонч, танланган тараққиёт моделига садоқат ҳақида бoрмоқдa.

Бугунги ахборот маконидa ҳар бир сўз, ҳар бир муносабат жамият кайфиятига таъсир кўрсатади. Шу боис, танқид ҳам, таҳлил ҳам, баҳс ҳам миллий манфаатлар мезонидa олиб бoрилиши зарур. Вақтинчалик эхтирослар, ташқи таъсирлар, сунъий кун тартиблари ортидан эргашishi жамиятнинг чалғитиши мумкин. Бундай ҳолатларда вазминлик, фикрий барқарорлик, узоқни кўра билан фазилати алоҳида қиймат касб этади.

Тарих шундан далoлат бeрадики, халқ ва унинг етакчи фикр эгалари ўртасида узвий алоқа мавжуд бўлган даврларда тараққиёт тезлашган, хавф-хатарлар қамайган, кeлажакка ишонч мустаҳкамланган. Бутун ҳам шундай ишлар, замонавий уйғoқ фикрчилар бирилашиб, халқимиз орасида тарғибот тадбирларини олиб бoриш билан бирга ижтимоий тармоқларда ҳам фаол бўлишни замон талаб қилмоқда. Шу маънода, анъанавий равишда “Зиёлилар форуми” ўтказилиши режалаштирилган. Бу орқали уларнинг илғор фикрлари, бой тажрибаси асосида доимий тарғибот ишлари ташкил этилади. Мамлакатимиздаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда зиёлиларнинг ижтимоий фаоллиги янада кучайтирилади.

Биргина мисол: шу кунларда Фарғона вилоятининг Бағдод туманида зиёлилар билан бирга Президентимизнинг Мураккаблар, Хавфсизлик кенгаши йиғилишида олга сурган гоғ ва ташаббуслари, уларнинг мазмун-моҳияти бўйича самимий мулоқотлар ташкил қилинди.

Халқимиз бутун тинчлик деган неъматни асраш, фарзандларга илм бeриш, касб ўргатиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлигини теран англамоқда. Шу мақсадда 200 дан ортик зиёлилар корпуси ташкил этилиб, Ўзбекистон маҳалларида уюшмаси билан барча маҳаллада шундай тарғибот тадбирлари ўтказилиши кўзда тутилган. Бу бежиз эмас. Президентимиз қайд этганидек, “Албатта, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизни янада бириштириш ва жипислаштиришда, ҳеч шубҳасиз, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта”.

Шу ўринда буюк олмон шоири Гётеннинг асар қаҳрамони Фауст тилидан айтган: *Ким эрқ, ҳаёт деб жанг қилoса ҳар кун, Эрқу ҳаёт учун ўша муносиб* деган сатрлари ёдга тушади. Бугунги замон ҳам барчамиздан эрқ, тинчлик, хотиржам ҳаёт йўлида ҳар куни курашишни, маърифат ва маънавиятнинг бунда асосий кучга айлантириш, айни чоғда ҳар биримиздан қучли фуқаролик позициясини ҳам талаб қилмоқда. Бу позиция тинчликни асраш, барқарорлиқни мустаҳкамлаш, кeлажак авлод олдида масъулиятни ҳис этиш билан ўлчанади. Ана шу ҳис бирилашган жойда эса жамият енгилмас кучга айланади, юрт равнақ топиб, янада қудратли бўлади!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz_news

Инсон қадри учун

ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯХШИ ТОМОНГА ЎЗГАРТИРАЁТГАН МАНЗИЛЛИ ИШЛАР

Халқаро кимё олимпиадаси ташкилий қўмитаси томонидан 2026 йилда 58-Халқаро кимё олимпиадасига мезбонлик қилиш Ўзбекистонга топширилди. Ушбу нуфузли олимпиадага 90 дан ортиқ давлатдан 1000 га яқин иштирокчи, жамоа раҳбарлари, ҳакамлар ҳайъати ва хорижий меҳмонлар ташриф буюриши кутилмоқда.

2025 йилни сарҳисоб қилар эканмиз, юртимиз ёшларининг илм-фан, таълим ва инновация йўлидаги салмоқли ютуқлари тарих саҳифаларига муҳрланганидан қувонамиз. Айниқса, халқаро фан олимпиадаларида эришайётган ютуқларимиз, медаллар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Узоққа бормайлик, бу борада 2023 йил ёшларимиз 91 та, 2024 йил 128 та, 2025 йилда эса 210 та медални қўлга киритди.

Тараддуд

58-ХАЛҚАРО КИМЁ ОЛИМПИАДАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛАДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10-19 ИЮЛЬ КУНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИГАН НУФУЗЛИ БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИГА ЮКСАК ДАРАЖАДА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Албатта, халқаро фан олимпиадаларидаги юқори натижалар машаққатли меҳнатлар эвазига келади. Кучли беллашувларга тайёरлишни устоздан ҳам, шогирддан ҳам сабр ва ирода талаб қиладиган жараён. Шу маънода, олимпиада голибларига бериладиган пул мукофотлари қанчалик катта бўлмасин, ўзини тўла оқлайди. Ҳар қандай эҳтиёждан устун қўйилиб билимга тикилган инвестиция бесамар кетмаслигига ҳалқимиз гувоҳ бўлди. Илк бор миллийларда айланган халқаро фан олимпиадалари голиблари минг-мишга ёшларнинг илм олишга бўлган иштиёқини кучайтиргани чин. Ана шундай ёшлар учун Фан олимпиадалари маркази томонидан янги имкониятлар, қўлайликлар яратилди. Марказнинг кишки таътил давомида ўқувчиларга олимпиадаларга оид бепул платформаларни тақдим этгани, айниқса, мақсадга мувофиқ.

Хабарингиз бор, Халқаро кимё олимпиадаси ташкилий қўмитаси томонидан 2026 йилда 58-Халқаро кимё олимпиадасига мезбонлик қилиш Ўзбекистонга топширилди. Ушбу нуфузли олимпиадага 90 дан ортиқ давлатдан 1000 га яқин иштирокчи, жамоа раҳбарлари, ҳакамлар ҳайъати ва хорижий меҳмонлар ташриф буюриши кутилмоқда.

Мазкур тадбир учун махсус рақамли платформа — www.icho2026.uz домени рўйхатдан ўтказилди ва функционал расмий веб-сайт тайёрланди. Олимпиаданинг махсус логотипи яратилди. Айни пайтда ташкилий ишлар олиб боришмоқда.

Олимпиадани юқори савияда ташкил этиш мақсадида Республика ташкилий қўмитаси ҳамда Илмий қўмиталар шакллантирилди. Уларнинг таркибига нафақат Ўзбекистоннинг етакчи олимлари, балки хориждан етук мутахассис ва экспертлар ҳам жалб этилмоқда. Мазкур қўмиталар олимпиада саволларини тайёрлаш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жараёнинг халқаро стандартларга мос равишда ўтказилишини таъминлаш устида иш олиб бормоқда.

Фан олимпиадалари марказида дастлабки саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 100 нафар энг иқтидорли ўқувчи учун махсус кучайтирилган ўқув машғулотлари олиб бориляпти. Машғулотлар ёш олимлари халқаро майдонда муносиб рақобат қила олиши учун зарур билим ва кўникма билан таъминлайди. Зеро, улар нуфузли ва минтақавий халқаро олимпиадаларда учрайдиган саволларни таҳлил қилиш, неорганик кимё фанининг мураккаб мавзулари, аналитик ва физик кимё асослари ҳамда органик кимё бўйича мураккаб масалаларни ечиш устида изланишти. Бу каби интенсив машғулотлар ўқувчиларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини янада самарали ташкил этиш, уларнинг тажриба ва малакасини ошириш ҳамда юқори натижаларга эришишига замин яратишига шубҳа йўқ.

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, ногиронлиги бўлган болалар инклюзив таълимга жалб қилинапти, уларнинг соғлигини тиклаш учун протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари тақдим этиляпти.

“Маҳалла етилиги” уйма-уй юриб, 2534 одамнинг турмуш тарзини индивидуал ёндашув асосида ўрганди. Тадбир давомида маҳаллада ногиронлиги бўлган 88 шахс, кам таъмин-

ижтимоий хизмат кўрсатувчи ассистентлар бириктирилди. Камбағаллик реестри рўйхатидаги 15 муҳтож оилга уч нафар кўнгилли хомий бириктирилди.

— Амурдари туманининг Бўзеп овулида 1707 оила яшайди. Салкам 5800 кишидан иборат аҳоли турли миллатга мансуб инсонлардан таркиб топган. Ҳаммамиз ҳамжиҳатликда ягона халқ бўлиб, аҳил яшаб келямиз. Бўзепликлар учун бир-бирига елкадош бўлиш, ўзаро ёрдам кўрсатиш азалий қадрият, — дейди ком-

протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситалари олиб берилди. Яна 13 киши имкониятига яшаб барқарор даромадли иш билан таъминланди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан 4 фуқаро даволанди.

Дарҳақиқат, овулдаги кам таъминланганлар тоифасига киритилган 78 оила доимий эътиборда. Уларнинг барчасига моддий ёрдам ва болалар нафақаси тайинланган. Камбағаллик реестрига киритилган 50 оилани эса камбағалликдан чиқариш бораида ҳоким ёрдами билан ҳамкорликда зарур чоралар кўрилмоқда.

Ижтимоий ҳодимнинг самарали фаолияти натижасида эҳтиёжманд 139 оилга куз-қиш мавсуми учун бир маргалик моддий ёрдам ажратилиб, кам таъминланган 9 оиланинг фарзандлари боғчаларга имтиёзи жойлаштирилган.

Ҳозир бўзепликларнинг энг яқин ва ишончли давлат хизматчисига айланган Шодурди Шамановнинг ҳар бир иш кунини ҳамқишлоқлари ҳаётига доир муаммоларни ҳал этиш, уларнинг ижтимоийлашувига кўмак-

лашиш, қалбида ҳаётсеварлик туйғусини уйғотишдек хайрли ишлар билан ўтади. Мана шундай кичик, аммо муҳим ишлар одамлар ҳаётини яхши томонга ўзгартиради.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ланган 63 оила, ўзгалар парваришига муҳтож ва якка-ёлғиз 7 фуқаро борлиги аниқланди. Улар комплекс ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди. Шунингдек, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситаларига эҳтиёжманд 7 киши ваучер асосида зарур мосламалар билан таъминланди.

Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кундалик ҳаёт тарзини яхшилаш бўйича ҳам тегишли чоралар кўрилди. Унга кўра, 6 фуқарога

плекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ҳодим Шодурди Шаманов. — Аввало, овулдаги ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўрдик. Шу тоифадаги 6 фуқаронинг уйига бориб вазир-и ўрганилгач, намунали ижтимоий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Овулдаги ногиронлиги бўлган 124 кишига ижтимоий хизмат ва кўмак кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, 2025 йилда 12 шахсга

ТАЛАБАЛАР —

Бугун қайси спорт мусобақаси ёки чемпионатни кузатайлик, иштирокчи ва голибларнинг аксарияти талабалар эканига гувоҳ бўламиз. Улар орасида нафақат жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган олий таълим муассасалари талабалари, балки бошқа йўналишларда таҳсил олса-да, спорт билан мунтазам шугулланиб, юқори натижаларни қўлга киритаётганлар ҳам кам эмас. Бу, аввало, ёшларнинг спортга қизиқиши ортиб бораётгани, соғлом турмуш тарзига интилиши ҳамда яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар самараси.

Ҳақиқатан, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни ҳаётий қадрият сифатида шакллантириш, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини омалаштириш энг долзарб вазифалардан. Кейинги йилларда ёшларни оммавий спортга жалб этиш, спорт инфратузилмасини яхшилаш, спорт клублари фаолиятини кучайтириш давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон талабалар спорт ассоциацияси ташкил этилди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар, талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, “Баркамол авлод”, Универсиада, “Талабалар лигаси”, “Талабалар спорт уйинлари”, Спартакиадалар каби йирик мусобақаларни ўтказиш унинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Эркин ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон талабалар спорт ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари

Бундай йирик спорт мусобақалари талабаларнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини таъминлашнинг янада кучайтириш, ёш иқтидорли спортчиларни таянла олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, спорт машғулотларига узлуксиз жалб этишга кўмаклашмоқда.

Бугун оммавий спорт турлари деб кўп таъкидлаيمиз. Хўш, уларга қайсылар қиради?

Профессионал спортдан фарқи ўлароқ, оммавий спорт турлари кўп босим олиш, турли жисмоний зўриқушлардан сақланиш. Бадминтон, стол теннис, кураш, дзюдо, белбоғли кураш, энгил атлетика, шахмат, шашка, футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, регби ҳамда стритбол ва воркут шулар жумласидан.

Айнан Универсиада мусобақалари ҳам мана шу спорт турлари асосида босқичма-босқич ўтказилади ва бу амалиёт яхши натижа беради. Айтайлик, ўтган йили июлда Германияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон ёғи Универсиадада ўйинларида Ўзбекистон делегацияси тарихий ютуққа эришди. 119 давлатдан 5100 нафардан ортиқ талаба спортчи иштирок этган мусобақада вакилларимиз спортнинг 11 тури бўйича иштирок этиб, 4 олтин, 4 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритди. Ушбу натижа Универсиадада ўйинлари тарихида Ўзбекистон делегацияси учун энг юқори кўрсаткич сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, 2025 йил сентябрда Қирғизистонда бўлиб ўтган Туркий давлатлар Универсиадаи доирасида вакилларимиз спортнинг 6 тури бўйича қатнашиб, 6 олтин, 6 кумуш ва 10 бронза медалга муносиб кўрилди ҳамда жамоавий ҳисобда 3-ўринни эгаллади.

Юртимизда спортни омалаштириш, ёшларни фаол жалб қилиш мақсадида қабул қилинаётган ҳужжатларнинг алоҳида ўрни бор. Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, ўша йилдан бошлаб Ёшлар кунини ҳамда декабрда ўтказиладиган “Ёшлар форуми” доирасида футбол, мини футбол, волейбол, энгил атлетика, шахмат, шашка, стол теннис, стритбол, воркут бўйича беш босқичли оммавий

Қарор ва ижро

СПОРТНИНГ ЭНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗЛАРИ

спорт мусобақаларини ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур оммавий спорт мусобақалари маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турлари бўйича беш босқичли “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилиши белгиланди.

Бу эса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг тажриба майдони ҳамда оммавий спорт турлари тарғиботчиси вазифасини ўташига сабаб бўлди. Анқироғи, олийгоҳ талабаларининг битирувдони амалиётини ўташ тизимига ўзгача шаклда ёндашиш иштиёқини берди.

Ҳозир эскича қарашу ёндашувлар ўзини оқламапти. Шу кунгача университет талабалари ишлаб чиқариш ҳамда битирувдони амалиётини муайян ўқув муассасаси, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда мактабга таълим ташкилотларида ўтар эди. Айрим ҳолларда баъзи талабалар ўзи юборилган

ташкilotта бормай туриб, амалиёт ўталгани тўғрисида қогоз тўлдириб келарди. Мана шундай салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун битирувчи талабаларни амалиёт ўташ учун ўзи доимий яшайдиган маҳаллаларга юборилиши ва шу аснода “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги оммавий спорт мусобақалари ташкилотчиси бўлиши ҳамда уларни ташкил этишда бевосита қатнашиши тартиби киритилди. Ҳатто бир неча талаба ўзи тайёрлаган ўқувчилар билан спорт мусобақаларининг республика босқичига йўл олди.

Мазкур тартиб амалиётни самарали ташкил этишда қатор афзалликларга эга: биринчидан, талабаларнинг амалиётни ўз вақтида ва самарали ўташи таъминланади; иккинчидан, ёшларда ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳамда спорт тадбирларини ташкил этиш кўникмаси ривожлантирилади; учинчидан, талабалар, ўз навбатида, бўлгуси спорт мураббийлари сифатида мураббийлик малакасини ҳам синовдан ўтказди;

тўртинчидан, амалиётни ўташда ҳўжакўрсинга иш тутишдан сақланган ҳолда шаффофлик таъминланади;

бешинчидан, талабаларни турли сохта давлат ва маънавий хуружлардан асрашда ҳам ушбу жараён муҳим экани амалда ўз тасдиқини топтоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса янги тартибни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Шунингдек, мазкур қарор асосида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий салоҳиятини 45 фойизгача кўтариш, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти натижадорлигини ошириш, янги ишланма ва технологияларни жорий этиш, халқаро рейтингларга кириш мақсадларини белгилаб берди. Айниқса, қарорга биноан спорт соҳасида фарҳири унов ва тоифа даражасига эга, нуфузли халқаро мусобақаларда голиб бўлган абитуриентлар касбий имтиҳонларни топширишдан озод қилиниши, талабаларни рағбатлантириш учун Паҳлавон Маҳмуд номидаги давлат стипендияси жорий этилиши ҳамда иқтидорли битирувчиларга спорт бўйича ҳақам ҳамда иккинчи тоифали тренер мақоми берилиши ҳам талабалар учун бекис имконият эшигини очди.

Халқаро тажрибада миллий спорт ва жисмоний тарбияга давлатнинг гамхўрлик қилиши жуда катта фойда келтирганига мисоллар кўп. Ўзбекистон ҳам мазкур йўналишда илғор давлатлар қаторидан жой эгаллаган. Аънаван тус олган спорт мусобақаларини эса талабалар орасидан юқори малакали спортчиларни таянла олиш ва тайёрлашнинг миллий ҳамда самарали модели дейиш мумкин.

Ўзбекистон — ёшлар мамлакат. Юртимиз аҳолисининг 30 фойиздан кўпроғи 18 ёшгача бўлган йигит-қизлардан иборат. Уларнинг ҳам маънави, ҳам жисмонан камолотга эришиши жуда муҳим. Шундай экан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини омалаштириш давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

КЎЗГУ

5



2026 йил 20 январь, 12-сон

Миллат фидойилари

Илмий-амалий конференция



Туркистон
жадидлари раҳнамоси
бўлган Маҳмудхўжа
Беҳбудий феноменал
адабий шахсиятдир.
Унинг мутараққий дунё
билан баробар ривожланиш
орзулари, тараққиёт
концепцияси ортида
бирлашмоқ орзуси, миллат
қайғуси, инсонпарварлик
ва ватанпарварлик
ғоялари турибди.



Беҳбудий доимо банд ва маънан жуда баланд одам эди. Дунёнинг қайси жойига бормасин, ўзини Туркистоннинг чин фарзанди, Туркистон аҳлини ўз сиймосида рамзан ташйётганини асло эсидан чиқармаган юраги бутун ва ботир инсон эди.

Саёхатга борган Беҳбудий Истанбулнинг “Тулхона парк”да Исмоилбек Гаспринский билан учрашди. Улар меҳмонхонада етти соат гурунлашди. Суҳбатда, табиийки, мактаблар ва миллат тараққиёти хусусида сўз боради. Исмоилбек “Муслмонларни кундан кун тараққий этишини сўйлаб, хурсанд бўлурлар”, деб ёзади кейинчалик Беҳбудий. “Авалли муслмонлардаги маданият” мақоласида ҳам муаллиф ўтмишдаги аждодлари шон-шувратидан, муслмонларнинг маданий тараққийсидан ва Андалусиянинг дунёдаги мумтоз ўрнидан баҳс этади: “Бир замонлар ҳозирги тараққий топган халқлардек шашаъа ва дабдабаи

ЖАДИДЛАР МЕРОСИ ВА ЗАМОНАВИЙ МЕДИА ИМКОНияТЛАРИ ЎЗARO УЙғунликда

Жадидчилик ҳаракати ўз даврида жамиятни ислоҳ қилиш, миллий онгни уйғотиш ва маърифатни тарғиб этишда муҳим ўрин тутган. Ушбу жараёнинг асосий воситаларидан бири саналган жадид публицистикаси матбуот, оммавий ахборот ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда бекиёс аҳамият касб этади. Бугунги кунда ушбу бой меросни замонавий медиа назариялари, журналистика амалиёти ва рақамли ахборот макони билан ўзаро уйғунликда ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Турк Дунёси Бирлашган Зиялилар Ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатғон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда “Жадид” газетаси билан ҳамкорликда жорий йил 19 январь кун Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 151 йиллиги муносабати билан “Жадид публицистикаси ва замонавий медиа тадқиқотлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

назарий асослари, тарихий манбалари, матбуотдаги ўрни, шунингдек, унинг замонавий журналистика ва рақамли медиа билан алоқадор жиҳатлари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида филология фанлари доктори, профессор Ҳалим Саидовнинг “Туркистон даҳоси” китоби тақдироти ўтказилди ҳамда Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги маҳсуус стипендия ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Анжуман якунида сараланган илмий мақолаларни тўплам ҳолида нашр қилиш, шунингдек, илмий жамоатчилик ва кенг ахборот маконига тақдим этиш масалалари келишиб олинди.



Анжуман якунида сараланган илмий мақолаларни тўплам ҳолида нашр этиш, шунингдек, илмий жамоатчилик ва кенг ахборот маконига тақдим этиш масалалари келишиб олинди.

Мазкур анжуман жадид маърифатпарварларининг публицистик меросини чуқур илмий таҳлил қилиш ҳамда уни замонавий медиа тадқиқотлари билан қиёсий ўрганишга бағишланди. Унда хорижий мамлакатлардан келган етук олимлар, тадқиқотчилар, журналистлар, докторантлар ҳамда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Конференция доирасида жадид публицистикасининг

Ушбу халқаро илмий-амалий конференция жадид публицистикаси ва замонавий медиа тадқиқотлари ўртасидаги илмий мулоқотни мустаҳкамлаш, миллий ва глобал ахборот маконида мазкур йўналишнинг нуфузини оширишга қаратилган муҳим илмий майдон бўлиб хизмат қилади.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор

Беҳбудий ўз маслақдошларини, издош шогирдларини тараққиётга, уйғонишга, бирдамликка, бирликка, бирлашмоққа, хурликка чорлади. Адиб қолдирган адабий-илмий мероси — улкан, бебаҳо ҳазина. Улар негизда уйғотувчи фикр, ҳаётий тақлиф, келажакка муносиб режа ва дастурлар кўп.

Беҳбудий фикр одами, фикрсиз одам ўлик билан баробардир. Унинг “Тараққий” газетасида босилган “Газет надуру?” номли мақоласи бор. Вақтли матбуот қадр-қийматини атрофича тушунтирган Беҳбудий тарихдан мисоллар келтиради. У замонда дунё аллақачон тараққиётга юз тутган эди.

Шунга монанд Беҳбудий дунёнинг турли ҳудудларида нашр бўлаётган газета ва журналлар борасида маълумотлар бериб ёзади: “Бу кун Миср, Истанбул, Ҳижоз, Қудус мамлакатларида ҳар хил газетлардан юздан зиёда чиқар, Русияда чиқаётган ҳар нав жарида ва мажаласларини адади бир мингга етиб, балки ўтадур”. 1905 йилдан кейинги икки йил ичида Русия муслмонлари томонидан ўттиздан ортиқ газета ва журнал чиқарилмоқда экан.

Маҳмудхўжа Беҳбудий “Газет надуру?” деб сарлавҳага чиқарган мақоладаги саволга жавоб бундай ёзади: “Шўйлаки, жарида ойиний жаҳонномадур. Газет ўқидурган киши дунёдаги барча хабар ва ҳодисаларни ва ҳар тоифанинг тараққийи ва таназзули ва они сабаб ва иллатини, ўз дин ва миллатига қайу тоифа дўст, қайу тоифа душманлигини билур. Ҳаёти ижтимоиясига на лозимдур билур”. Табиийки, бундай газетани ким чиқараётгани ва жамоанинг маслағи ҳам муҳим. Дарҳақиқат, бундай ижтимоий-маърифий ҳодисаларнинг “тараққийи ва таназзули” сабабларини адиб умр бўйи излади.

Ҳамма замонларда тараққиёт, юксалиш, ривожланишнинг “шарти аъзами фақат ўқумок”, ўзликини англатмоқдур.

Бундан бир юз йигирма йил муқаддам босилган “Миллат вазифаси” (“Улфат”, 1906 йил 18-сон) мақоласида қардош-қўшни миллатларнинг “биринчи даражада вазифалари бир-бирига қариндош кўзи билан қараб, ҳамма бир ўлуб, бирлик ила иш кўрмақдир, — деб ёзади. — “Иккинчи вазифа эса умуммуслмонлар иттиҳод қилуб, ҳамма яқвужд ўлароқ авлодларни тарбия қилмоқ жиҳатини сарфи ҳиммат этмақдир. На қадар бой кишиларимиз бўлса, ҳаммаси илм йўлида пул сарф қилсун керак. На қадар аҳли илм бўлса, ҳамма даражасига кўра таълим ва мадорис ила машғул ўлсун керак”.

Беҳбудий ҳазратларнинг чақириклари ва безовталарига боис, Ватан тақдир, бебаҳо она тупроқ дарди эди, шубҳасиз. Шу боис, “ҳамиша яқвужд ўлароқ сазй ва ғайрат” қилмоқчи нахсият ва васият қилди. У эркин сўз учун, фикр айтиш учун имкон топган заҳоти ўз ҳаётий дастурларини бевосита миллий-маънавий манфаатларга уйғун равишда баён қилди. Туркистон мухторияти эълон қилинганда “Қозоқ қариндошларимизга очик хат” деган махсус даяватнома билан чиқади. Қардош ва қўшни бўлган

миллатлар ўзаро адоватни, низони, зиддиятни бир четга суриб, жон жаҳди билан улканроқ ёвга қарши бирлашмоққа чақиради. Ҳар бир гапини чин самимият билан “Азиз қардошларим!”, “Бовурларим!”, “Чирогларим” деган ундалма сўзлар билан бошлайди. “Бирлашгон Туркистон халқининг бўлуноқиға ўзимиз сабаб бўлмасак эди”, деб Беҳбудий хавотирга тушади.

Шунинг учун ҳам “Чирогларим, бирлашай-лук! Кўрасиз, бу кунги руслар-да бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонидир”, дейди. Маҳмудхўжа Беҳбудий замон ва замин ҳолини, давр ва давралар кайфиятини чуқур англагани боис, бутун вужуди билан бирлашмоққа даъват қилади. Беҳбудийнинг бу гаплари қавмлар, уруғлар ўртасидаги ўзаро низоларни бир четга суриб, бирлашувга чақиритилари қайсибир маънода “Ўткан кунлар” романидаги қорачапончи билан қилчқол нисозига Юсуфбек хожининг “Сиз ўз қилчқонгиз учун қабр қазиган фурсатда сизга иккинчилар тобук чопдир. Биз қилчқоққа қилчқ кўтарганда ўрус бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қилчқонки кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз ақинимга еткан кўраман!” деган гапларини ёдга солади.

Шу эътибордан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг илм-маърифатга, огоҳликка, бирликка, тараққиётга даъватлари ҳамиша долзарб, муҳим ва, ҳар доим бугунги кун гапидек жаранглаб эшитилади.

қийнаган саволни сарлавҳага чиқариб, “Миллатлар қандай тараққий этарлар?” (“Самарқанд” газетасининг 1913 йил 30 июль) деган саволни қўйди. Шу номда мақола ёзди: “Миллатлар тараққийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила агниёнинг ҳамият ва ғайратларидур. Тараққий қилгон ва ё энди тараққий қилгувчи миллатлар аҳволига диққат қилинса, мазкур икки синф муҳтарамни ўз миллатларига сўз ва ақча ила хизмат этганлари фавран ҳозир бўлур”.

Илм аҳли билан бойларнинг хизмати миллат тараққийси учун муҳим экани ҳар жиҳатдан исботланади. Уламо ўз қалами билан фикр, маслаҳат, панд-насихат, таълим-тарбия беради, китоблар ёзади, газета ва журналлар нашр қилади. Мактаблар очади, таълимни ислоҳ қилади. “Замона агниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда ақча сарф этарлар... Рус, арман, аҳудий ва бошқа Русиядаги ватандошларимизни бойлари доимо ўз миллатлари учун қатта хайр ва эҳсонлар қиладурлар, инчунин, Кафказ, Крим, Қозондаги муслмон биродарларимизни(нг) бойлари, уламоси ва аҳли қалами, соҳибий фикри ўз биродарларига мол, ақча, қалам ва илм ила кўб юна қиладурлар. Аммо бизни(нг) Туркистонда бу ишлардин сўйламоққа ҳануз набват келган йўқ...”. Бу орзу, ният, ҳавас, намуна ва қиёси шундай. “Бир қарра диққат қилиб, маҳалла-қўй ва қиллоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган. Биз

маданият ва салтанатлари кўларни қамашдуруб, ўз замона ва асрларининг ягона маданият ва салтанат ва фариди эдилар”. Таассуфки, бундай юксак ижтимоий-маданий, илмий-маърифий мартаба қўлдан кетади. Муслмонлар “замонга мувофиқ турмаганлари”, илм ва фан ўрнига жаҳолат ботқоғига ботишлари, “сафоҳат ва завқпараст ва ихтилофа майл этганлари” учун жаза топилиди. Жаҳолат, тубанлашув ва ўзаро душманлик маданият ва тараққиёт кушанда бўлди, салтанат емирилиб қўлади.

Беҳбудийнинг барча ҳаққоният баёнларини англатмоқ учун унга, унинг дарадига, ғамига, жаҳдига, жонфидолигига, ҳиссиётига яқинроқ бормоқ керак. Беҳбудий билан орадаги масофани қисқартириш лозим. Акс ҳолда, Беҳбудий ҳазратлари бизга қўлгини очмайди. Уни англаш учун чин миллатпарвар, чин ватанпарвар бўлмоқ керак. Беҳбудий учун ҳар нарсани англаш ва сезиш, ҳар нарсани фарқлай билиш, яъни таъмиз муҳим. Бу жиҳатдан ҳам адибнинг орзуманд қалбига умид уруги экилгандир. Шунинг учун ҳам ҳазрат ёзади: “Алҳамдулиллаҳ, халқимиз кўфр ила исломни, тараққий ила танданийни, рост ила ёлгонни таъмин этадурлар”.

Қўнгли оқ одамнинг йўли очик бўлади. Нейматлар ҳолис ниятли одамга қутилмаган томондан келади. Булар меҳнат, заҳмат, хизматлар ортидан бўлур. Бунинг учун ҳолисона, Аллоҳ ризоси учун эзгу ишларга бош-қош бўлмоқ, ийсор лозим.

Ҳайҳот, хайҳот, Беҳбудийни англамаганлар ва англашни хоҳламаганлар, ўқимаганлар ва ўқиниш истамаганлар бугун ҳам “ҳали китоб ҳам ўқийманми?” деган эътирозли саволни беришади. Ҳали бутун ҳам эзгу ғояларни “аввалдан қолган асотирлар” деб аташади. Ҳолбуки, бугун ҳам виждонга кўзгу туттадиган замондир. Ҳолбуки, бугун Беҳбудийни англайдиган ва унинг борлигини ҳар кимга англатадиган замондир.

Беҳбудий фаолиятини чуқур англаган замондошлари Васлий Самарқандий “Маҳмудхўжа биродарим миллати исломиянинг таълийи ва тараққийси учун энг биринчи даража қолишматурсун бир зоти ҳумононсифат эрди”, деб баҳо берган эди.

Лавиз Азизоданинг “Туркистоннинг узоқ мазийси қанча порлоқ кўринса ҳам XVIII асрдан кейинги маданий ва иқтисодий ҳаёти тубанлашгандир. Бу даврда илм ўрнини хурофот, адолат жойини зулм, тараққий ерини таназзул олди”, деган фикри бор. Маҳмудхўжа Беҳбудий йўлбошчилиги қилган Туркистон жадидлари хурофот ўрнига илмни, зулм ўрнига адолатни, таназзул ўрнига тараққийини жорий этиш мақсадида йўлга чиқдилар.

Бугун илм орқали тараққий этиш замонидир. Бугун Беҳбудий орзу қилган ҳурият, истиқлол замонидир. Бу кунлар қадрига етмоқ керак.

Дунё аҳли билан, мутараққий миллатлар билан дўст, иноқ, ҳамкор, ҳамфикр бўлиб, ўзликни англаб, мустаҳкам имон ва чуқур илм ила тараққий этмоқ керак. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг “баъни ҳақиқат”лари, бирлашиш ва тараққиёт орзуси — шундай истиқбол йўли бениҳоя улуг ва жиддий эди.

муслмонмиз. Муслмонликга илм лозим, амал лозим. Ўқумок керак. Нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бевасод йўқ экан, биз юза бир нафар саводлик йўқ?

Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадойликда. Бошқа миллат уламосига тобе экан, бизни уламо билмаск авомга тобебур. Бунинг охири харабодур. Йигирма, ўттиз сана сўнгра яна ёмонроқ бўлур, муслмонлик илм ва адаб ила қоним, миллат ахлоқ, фазл ва ҳунар ила боқий қолур”. Гарчанд бу мақола 1913 йилда ёзилган бўлса ҳам Беҳбудийнинг тараққиётга доир қарашлари қўлнга қалам олиб, вақтли матбуотда иштирок эта бошлаган дастлабки даврлардан бошланади. Бу мақола эса дастурий характерга эгаллиги билан ажралиб туради.

Беҳбудий қайси мавзунини ёзиб муҳокама қилишидан қатъий назар, ҳамиша тараққий ва юксалишдан сўз очади, ҳамиша тараққий этган ва юксалган дунё миллатлари ва мамлакатларига ҳавасланиб қарайди. Энг муҳими, тараққиёт негизи бўлган ислохотга, билим олишга, дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳолига назар солишга ундайди. Беҳбудий бундай ўринларда чинакам миллат қадармони, курашчиси, фидойиси, жонқуярига айланади. Тасаввур қилиш учун ақалли “Саёҳат хотиралари” асарини ўқимоқ керак. Бу асари тафсилотли ва аини дамба Беҳбудийнинг қўнгли “Ойина”да акс этади.

“Саёҳат хотиралари” Беҳбудийнинг шахсини, рутбасин, нияти улуглигига даллат қилади. Унинг билими, орияти, юксак маданият соҳиб экани, дид-фаросати — барча-барчаси бу саёҳатномада мужжасамдир. Назаримда, нафақат Беҳбудийга замондош зиёлилар, балки бугун ҳам дунё саёҳатига йўл олган кимса ундан ўрганиши, унга эргашиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усули**да босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдуразоқов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шарҳисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 23:55 Топширилди — 00:25